«Тасдиқланган»
Марказий банк Бошқарувининг
2001 йил «6» октябр даги
25/9 -сонли қарори

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Бош бошқармалари тўғрисида Низом

## I. Умумий қоидалар

### 1. Ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош бошқармаси (матн бўйича - Бош бошқарма) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги Қонуни ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

Бош бошқарма Марказий банк Бошқарувининг қарорига асосан ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Бош бошқарма таркибига унинг таркибий бўлинмаси ҳуқуқи билан Марказий банк Бошқаруви қарорига кўра ташкил этиладиган Ҳисоб-китоб- касса маркази (матн бўйича - ҲКМ) киради.

Бош бошқарма Марказий банкка бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

Бош бошқарма юридик шахс мақомига эга эмас.

### 2. Фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонунларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.

### 3. Асосий вазифалари

Бош бошқарма минтақа доирасида Марказий банкнинг пул муомаласи, кредит ва валютани тартибга солиш, ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш соҳасидаги ягона сиёсатини муайян ҳудудда амалга оширилиши ва ўтказилишини таъминлайди, ҳамда муайян ҳудудда жойлашган тижорат банклари, уларнинг бўлимлари фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади.

### 4. Тақиқланган фаолият турлари

Бош бошқармалар қуйидагиларга ҳақли эмаслар:

- молиявий ёрдам бериш билан шуғулланиш;
- тижорат фаолиятини амалга ошириш;
- банклар ва бошқа юридик шахслар капиталида иштирок этиш.

### 5. Бош бошқарма бошлиғи

Марказий банк Раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган, сўнгра Марказий банк Бошқаруви тасдиқлайдиган бошлиқ Бош бошқармага раҳбарлик қилади.

Бош бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарлари суд, тергов, маъмурий ва бошқа органларда Марказий банк номидан ишончномасиз ҳаракат қилади. У Бош бошқармага юклатилган вазифаларнинг тегишли равишда бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

Бош бошқарма бошлиғи лавозимларига Марказий банк Раиси томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган ўринбосарларга эга.

Бош бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарлари лавозимларига олий иқтисодий ёки юридик маълумотга ҳамда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида раҳбарлик лавозимларида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин.

Бош бошқарма бошлиғи ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва фармойишлар чиқаради, шартномалар, жумладан меҳнат шартномаларини тузади.

### 6. Тузилмаси, штатлари ва харажатлар сметаси

Бош бошқарманинг штатлар жадвали, таркибий тузилмаси ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

Бош бошқарма ва ҲКМ фаолиятини таъминлашга доир харажатлар сметаси Марказий банк томонидан тасдиқланади.

### 7. Мол-мулки

Марказий банк Бош бошқармани қиймати таркибий қисм сифатида Марказий банк балансига кирувчи, Бош бошқарма балансида акс эттириладиган мол-мулк билан таъминлайди.

Бош бошқарма мол-мулки унинг оператив тасарруфида бўлади.

### 8. Манзили, номи ва муҳри

Бош бошқарма манзили у ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган ҳудуднинг маъмурий маркази (Қорақалпоғистон Республикасида - унинг пойтахти) ҳисобланади.

Бош бошқарма номини Марказий банк белгилайди ва у «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ________________ (ҳудуднинг номи бош келишикда келади) Бош бошқармаси» сўзларини ўз ичига олади. Қисқартирилган номи - «Ҳудудий Бош бошқарма».

Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат герби акс эттирилган, номи давлат тилида ёзилган думалоқ муҳр ва бурчак муҳрига эга.

## II. Бош бошқарманинг маъмурий ҳудуд доирасидаги ваколатлари ва вазифалари

### 9. Пул-кредитни тартибга солиш соҳасида

Бош бошқарма:

- пул-кредит соҳасидаги жорий ҳолатни ўрганади ва у тўғрисидаги маълумотни Марказий банкка тақдим этади;

- пул муомаласини тахмин қилади, ташкил этади, тартибга солади ва назорат қилади;

- касса ресурсларини оператив тартибга солади ва уни такомиллаштиришга доир таклифларни киритади;

- тижорат банклари захира фондлари, ҲКМ айланма кассалари ва операция кассаларидаги пул қолдиғи лимитлари тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

- маблағларнинг ўз вақтида кредит ресурсларини тартибга солиш фондига ўтказилиши ва банклар вакиллик ҳисобрақамлари аҳволи устидан назоратни таъминлайди;

- Марказий банкнинг ёзма кўрсатмалари асосида тижорат банклари қайта билан молиялаштириш кредитларига доир шартномалар тузади;

- ажратилган молиялаштириш кредитларининг мақсадга мувофиқ ишлатилишини доимий равишда назорат қилади ва ҳисобланган фоизлар билан биргаликда уларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлайди;

- Бош бошқарма Кенгашида нақд пул муомаласи бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши, тижорат банкларининг пул-кредит соҳасидаги ишлари аҳволи, тартиббузарлик ҳоллари аниқланганда тегишли чораларни қабул қилиб, улар томонидан қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши масалаларини кўриб чиқади;

- банклар ва уларнинг бўлинмалари қимматли қоғозлар портфелини ўрганади, таҳлил қилади ва баҳолайди;

- банкларнинг қимматли қоғозларга доир ҳисоботларини ўз вақтида Марказий банкка тақдим этишларини назорат қилади.

## 10. Эмиссия-касса ишини ташкил этиш соҳасида

Бош бошқарма:

- ҲКМда банкнотлар ва тангаларнинг захира фондларини яратишни, улар ўртасида бойликларни ташишга доир ишларни ташкил этади, шунингдек, бошқармага белгиланган лимит доирасида захира фонди ва айланма кассаси миқдорларини белгилайди;

- банкларга, Марказий банк белгилаган ҳолларда эса алоҳида корхона ва ташкилотларга касса хизмати кўрсатилишини ташкил этади;

- пуллар ва бошқа давлат бойликлари бутлигини таъминлаш ҳамда ҲКМ ва Бош бошқарманинг бошқа бўлинмаларида эмиссия тартибига риоя қилинишига доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- ҲКМни қўриқлаш, уларга кириб-чиқиш тартибини таъминлаш, ҲКМни қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш воситалари (ҚЁВ) билан жиҳозлашга доир ишларни ташкил этади ҳамда банкларда ҚЁВнинг ўрнатилишини назорат қилади;

- эмиссия операциялари ҳисобини юритади ва уларнинг тўғри амалга оширилишини назорат қилади;

- банкларнинг касса тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларнинг ҚЁВ билан жиҳозланишига доир хулосалар беради;

- тижорат банкларига касса хизматини кўрсатиш бўйича лицензиялар беради (бекор қилади);

- худудий инкассация хизмати фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

## 11. Иқтисодий таҳлил ва статистика соҳасида

Бош бошқарма:

- банкларнинг молиявий аҳволини баҳолаш, шунингдек, минтақа банк тизими тузилмаси, ҳолати ва йўналишларини ўрганиш учун зарур бўлган, минтақа банкларидан келиб тушадиган статистик маълумотларни йиғади, тизимлаштиради, ишлаб чиқади ва сақлайди.

- минтақа иқтисодиётини ривожлантириш йўналишлари, банкларнинг хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро кредит-ҳисоб-китоб муносабатларини таҳлил қилади;

- хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва таҳлил қилади, тўлов интизоми аҳволини таҳлил қилади;

- тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантиришга доир ишларини мувофиқлаштиради;

- Марказий банкка минтақа банк тизими фаолияти йўналишлари тўғрисидаги зарур маълумотларни тақдим этади;

- минтақа банкларининг молия-ҳисоб-китоб интизоми соҳасидаги иқтисодий масалаларни ўрганишга доир ишларини мувофиқлаштиради ва Бош бошқарма Кенгаши муҳокамасига киритиш учун материалларни тайёрлайди;

- Бош бошқарма иши тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тайёрлайди ва Марказий банкка тақдим этади.

## 12. Валютани тартибга солиш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида

Бош бошқарма:

- валюта операциялари устидан назоратни амалга оширади, ушбу операциялар билан боғлиқ масалалар юзасидан маслаҳатлар беради;

- ваколатли банкларнинг экспорт-импорт операциялари устидан валюта назоратини амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;

- банкларнинг валюта операцияларини амалга оширишга оид лицензия олишлари учун илтимосномаларни тайёрлашда иштирок этади, улар юзасидан хулосалар беради ва уларни Марказий банкка тақдим этади;

- ваколатли банклар ва улар бўлинмаларининг ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчилари томонидан валюта маблағларидан самарали фойдаланиш, валюта ресурслари оқимини кенгайтириш бўйича амалий чораларни амалга оширишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

- банкларнинг ташқи иқтисодий соҳадаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқади, чет эл валютасида операциялар бажариш учун банк томонидан берилган лицензияни чақириб олишга доир материалларни Марказий банкка киритади;

- Марказий банк белгилаган тартибда ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномани беради ва бекор қилади.

## 13. Банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш

Бош бошқарма:

- банкларнинг молиявий аҳволи, ликвидлик даражаси ва тўловга қобилиятлилигини таҳлил қилади ва баҳолайди;

- банкларнинг мажбурий захиралар фондига маблағлар ажратишларини назорат қилади;

- банклар ва улар бўлинмаларининг Марказий банкнинг активларни таснифлаш, кредит сиёсати ва чораларига доир талабларига риоя қилишларини назорат қилади;

- ликвидликни, актив-пассивларни бошқаришни, ички қоида ва назорат чораларини, жумладан, Банк Кенгаши фаолиятини баҳолайди, банк раҳбарларини, жумладан, Кенгаш аъзолари ва унинг Раисини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритади;

- Марказий банк томонидан ўтказилаётган минтақа ҳудудида жойлашган банкларни мажмуавий тарзда текширишларда иштирок этади;

- тижорат банклари ва бўлинмаларининг улар фаолиятини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишдаги ишларини мувофиқлаштиради;

- муаммоли банкларни молиявий соғломлаштириш тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

- банкларни тугатиш комиссияларининг ишида иштирок этади, тугатиш жараёнини назорат қилади;

- Марказий банкнинг банк фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш масалаларига оид алоҳида топшириқларини бажаради;

- банк фаолиятини тартибга солувчи ва назорат вазифаларини амалга оширувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ҳамда банк, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш устидан назоратни амалга ошириш учун Бош бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- банклар ва уларнинг бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳамда олинган маълумотлар бўйича тушунтиришларни талаб қилиш;

- жойларда тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари фаолиятини текшириш;

- тижорат банклари ва бўлинмаларига уларнинг фаолиятида аниқланган тартиббузарликларни бартараф этишга доир мажбурий равишда ижро этиладиган кўрсатмаларни жўнатиш;

- банкларнинг қимматли қоғозлар чиқаришга доир тегишли ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда уларни келгусида Марказий банк томонидан кўриб чиқиш, келишиш ва рўйхатга олишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш;

- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар.

Тижорат банклари ва улар бўлинмалари томонидан банк қонунчилиги талаблари ва Марказий банкнинг иқтисодий меъёрлари бажарилмаса, Бош бошқарма бу ҳақда Марказий банкка хабар беради ва тартиббузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги Қонунининг 53-моддасида кўзда тутилган чораларни қўллаш ҳақида таклиф киритади. Бош бошқарма бошлиғи банк қонунчилиги талаблари ва иқтисодий меъёрларнинг бузилиши ҳақидаги маълумот тижорат банклари томонидан тақдим этилмаслиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги учун жавобгардир.

### 14. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот бериш соҳасида

Бош бошқарма:

- банклар ва тобе муассасаларда бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисобот бериш ва Давлат бюджетининг касса ижросига оид операцияларини ташкил этади, Марказий банк белгилаган шакл ва муддатларда ҳисоботлар тақдим этилишини таъминлайди;

- тўловлар электрон тўловлар тизими орқали тўхтовсиз ва тўлиқ ўтиши устидан назоратни ўрнатади.

### 15. Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш соҳасида

Бош бошқарма:

- банклар ва Ахборотлаштириш марказларида маълумотларни, жумладан, электрон тўловлар тизими ва электрон почта маълумотларини муҳофаза қилиш ва сақлаш қоидалари талабларининг бажарилишини таъминлайди;

- электрон почта орқали бериладиган маълумотларни муҳофаза қилиш, тартиб ва ички объект муҳофазасини ташкил этиш, банк ҳужжатлари, муҳрлари, бурчак муҳрлари бутлиги масалалари бўйича профилактик текширувларни амалга оширади;

- кириб-чиқиш ва ички банк тартибини ташкил этади ва унинг ҳолатини назорат қилади.

### 16. Молиявий ва ички хўжалик фаолияти

Бош бошқарма:

- Марказий банк тасдиқлаган харажатлар сметаси доирасида Бош бошқарма аппаратини таъминлашга ажратилган маблағларни тасарруф этади;

- қонунчиликка мувофиқ ходимларни мукофотлайди ҳамда ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг бошқа шаклларини қўллайди;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларини ташкил этади ва ходимлар томонидан уларга риоя этилишини таъминлайди;

- объектларни капитал қуриш ва капитал таъмирлашга доир ўз режасини ишлаб чиқади ва Марказий банк муҳокамасига киритади ҳамда Бош бошқарма бўйича йиллик капитал қўйилмалар ва капитал таъмирлаш ҳажмини белгилайди;

- Марказий банк маблағлари ҳисобидан банк объекти қурилишларида буюртмачи вазифасини бажаради;

- ҲКМни моддий-техник жиҳатдан таъминлайди;

- Марказий банк республика аппарати маркетинг хизмати муҳокамасига жиҳозлар, материаллар, кам қийматли ва тез эскирувчан буюмларни харид қилиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш ва бошқа масалаларни киритади.

### 17. Ҳуқуқий соҳада

Бош бошқарма:

- ўз фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларининг тўғри ва бир тарзда қўлланилишини таъминлайди;

- амалдаги қонунчилик ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини ўрганади ва уларнинг қўлланиш амалиётини умумлаштиради, Марказий банкка уларни такомиллаштиришга доир таклифларни киритади;

- тижорат банкларининг Марказий банк меъёрий ҳужжатлари билан таъминланиши даражасини ўрганади;

- меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

- тижорат банклари ва уларнинг бўлинмаларига банк қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар беради;

- ўз ходимларининг ҳуқуқий ўқитишини ташкил этиш йўли билан уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширади;

- шартномавий-ҳуқуқий ва даъво ишларини амалга оширади;

- Марказий банк топшириғига кўра тижорат банклари ва уларнинг бўлинмаларида ҳуқуқий ишлар аҳволини текширади;

- Марказий банк юридик хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

### 18. Кадрлар ишини ташкил этиш бўйича

Бош бошқарма:

- ўз номенклатурасига кирувчи ходимларни ишга қабул қилади, лавозимдан-лавозимга ўтказади ва ишдан бўшатади, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ходимларни рағбатлантириш ҳамда интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади;
- кадрларга бўлган эҳтиёжни тахминлайди ва режалаштиради, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ўқитиш билан шуғулланади;
- касбий маълумот, ходимларнинг ёши таркиби ва бошқа ижтимоий-демографик хусусиятларни мунтазам равишда таҳлил қилади;
- кадрларни аттестациядан ўтказиш, ушбу ишлар натижаларига доир чора-тадбирларни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этади;
- раҳбарлар ва мутахассисларнинг сифатини ўрганади ва баҳолайди;
- Бош бошқарма, шунингдек, тижорат банкларида кадрлар билан ишлаш тажрибасини умумлаштиради;
- кадрларни, уларнинг лавозимдан лавозимга ўтиши ҳисобини юритади ҳамда уларнинг қўнимсизлигини камайтиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;
- раҳбарлик лавозимларига тавсия этилаётган (жумладан, тижорат банкларида) номзодларни кўриб чиқади ва улар бўйича таклифлар беради.

**19. Тўлов тизими ва ахборотлаштириш соҳасида**

Бош бошқарма:

- банкларнинг ҳисоб-китобларини ташкил этиш ва тўлов тизимини ривожлантиришга доир таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар бўйича хулосалар беради;
- Марказий банк тизими учун дастурий-техник мажмуани такомиллаштиришга доир таклифлар киритади.

## III. Бош бошқарма Кенгаши ва Ички аудит хизмати

**20. Кенгаш**

Бош бошқарма мақсадлари ва вазифаларини бажариш, ҳудуд (вилоят) тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш, Марказий банк Бошқаруви қарорлари, буйруқлари, фармойишлари ва меъёрий ҳужжатларини бажариш, кадрлар билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал қилиш учун Бош бошқармада маслаҳат органи ҳисобланган Кенгаш фаолият кўрсатади.

Кенгаш 7 (етти) аъзодан иборатдир.

Бош бошқарма бошлиғи Кенгаш раиси ҳисобланади.

Кенгаш таркибига бошлиқ ўринбосари ва асосий бўлинмалар раҳбарлари, жумладан, Бош бошқарма юридик хизмати раҳбари киради.

Бош бошқарма Кенгаши тўғрисидаги Низом Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

**21. Ички аудит хизмати**

Бош бошқармада унинг штати таркибига кирган ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятларини амалга оширишда Бош бошқарма раҳбариятидан мустақилдирлар ва бевосита Марказий банк Ички аудит департаменти директорига бўйсунадилар.

Ички аудит хизмати мақсади Бош бошқарма ҳамда тегишли ҳудуддаги Марказий банк тизимига кирувчи ташкилотлар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлиги ва бутунлигини текширишдан иборат. У ўз фаолиятида қонунлар, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

Аудиторлар бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Марказий банк томонидан тасдиқланадиган лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

Аудитор иши Ички аудит хизмати департаменти билан келишилган ҳолда режалаштирилиши, кўриб чиқилаётган ҳар бир соҳа учун батафсил иш режаси ва зарур тадбирлар баёнини ўз ичига олувчи дастурга эга бўлиши лозим.

**22. Услубий ёрдам**

Бош бошқарма ўз ваколатлари доирасида тижорат банклари ва уларнинг бўлинмаларига услубий ёрдам кўрсатади.

«УТВЕРЖДЕНО»
постановлением Правления
Центрального банка № 25/9
от «6» октября 2001 года

# ПОЛОЖЕНИЕ
## О Главных управлениях Центрального банка Республики Узбекистан по Республике Каракалпакстан, областям и городу Ташкенту

## I. Общие положения

### 1. Правовой статус

Главное управление Центрального банка Республики Узбекистан (в дальнейшем - Главное управление) является обособленным подразделением Центрального банка Республики Узбекистан, осуществляющим функции в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О Центральном банке Республики Узбекистан» и настоящим Положением.

Образование Главного управления, его реорганизация и ликвидация производится на основании решения Правления Центрального банка.

В состав Главных управлений на правах структурных подразделений входят Расчетно-кассовые центры (в дальнейшем - РКЦ), образуемые по решению Правления Центрального банка.

Главное управление подчиняется Центральному банку и ему подотчетно.

Главное управление не имеет статуса юридического лица.

### 2. Правовая основа деятельности

Главное управление в своей деятельности руководствуется Законами Республики Узбекистан «О Центральном банке Республики Узбекистан», «О банках и банковской деятельности», другими актами законодательства, настоящим Положением и нормативными актами Центрального банка.

### 3. Основные задачи

Главное управление в рамках региона обеспечивает реализацию и проведение на определенной территории единой политики Центрального банка в области денежного обращения, кредитного и валютного регулирования, организацию эффективной системы расчетов и осуществляет регулирование и надзор деятельности коммерческих банков, их филиалов, расположенных на определенной территории.

### 4. Запрещенные виды деятельности

Главное управление не вправе:

заниматься оказанием финансовой помощи;
осуществлять коммерческую деятельность;
участвовать в капиталах банков и других юридических лиц.

### 5. Начальник Главного управления

Главное управление возглавляет начальник, который назначается на должность и освобождается от должности Председателем Центрального банка с последующим утверждением Правлением Центрального банка.

Начальник Главного управления и его заместители представляют интересы Центрального банка в судебных, следственных, административных и других органах без доверенности. Он несет персональную ответственность за надлежащее выполнение задач, возложенных на Главное управление.

Начальник Главного управления имеет заместителей, назначаемых и освобождаемых от должности Председателем Центрального банка.

На должность начальника Главного управления и его заместителей может быть назначено лицо, имеющее высшее экономическое или юридическое образование и стаж работы на руководящих должностях в банковской системе Республики Узбекистан не менее пяти лет.

Начальник главного управления в пределах своих полномочий издает приказы и распоряжения, заключает договора, в том числе трудовые.

### 6. Структура, штаты и смета расходов

Штатное расписание и структура Главного управления, включая все изменения, утверждаются Правлением Центрального банка Республики Узбекистан.

Смета расходов на содержание Главного управления и РКЦ утверждается Центральным банком.

### 7. Имущество

Центральный банк наделяет Главное управление имуществом, стоимость которого отражается на балансе Главного управления, входящем составной частью в баланс Центрального банка.

Имущество Главного управления находится в его оперативном управлении.

### 8. Местонахождение, наименование и печать

Местом нахождения главного управления является административный центр (в Республике Каракалпакстан - ее столица) территории, на которой оно создано и действует.

Наименование Главного управления определяется Центральным банком и включает в себя слова "Главное управление Центрального банка Республики Узбекистан по" (затем следует в дательном падеже наименование региона). Сокращенное наименование - "Главное территориальное управление".

Главное управление имеет круглую печать с изображением Государственного герба Республики Узбекистан, штамп со своим наименованием на государственном языке.

## II. Полномочия и функции Главного управления в рамках административной территории

### 9. В сфере денежно-кредитного регулирования

Главное управление:
изучает и представляет информацию в Центральный банк о текущей ситуации в денежно-кредитной сфере;
прогнозирует, организует, регулирует и контролирует денежное обращение;

осуществляет оперативное регулирование кассовыми ресурсами и вносит предложения по его совершенствованию;

подготавливает предложения о лимите остатка денег в резервном фонде, оборотных кассах РКЦ и операционных кассах коммерческих банков;

обеспечивает контроль за своевременным перечислением средств в фонд регулирования кредитных ресурсов и состоянием корреспондентских счетов банков;

на основании письменных указаний Центрального банка, заключает договора с коммерческими банками по кредитам рефинансирования;

осуществляет постоянный контроль за целевым использованием выделенных кредитов рефинансирования и обеспечивает их своевременное погашение с начисленными процентами;

рассматривает на Совете вопросы выполнения установленных параметров по налично-денежному обращению, состояния работы коммерческих банков в области денежно-кредитной сферы, соблюдения ими законодательных и нормативных актов, с принятием соответствующих мер в случаях выявления фактов нарушения;

изучает, проводит анализ и оценку портфеля ценных бумаг банков и их филиалов;

обеспечивает контроль по своевременному представлению отчетов банков по ценным бумагам в Центральный банк.

10. В сфере организации эмиссионно-кассовой работы

Главное управление:

организует работу по созданию резервных фондов банкнот и монет в РКЦ и по перевозкам ценностей между ними, а также устанавливает им размеры резервных фондов и оборотной кассы в пределах лимитов, выделенных управлению;

организует кассовое обслуживание банков, а в случаях, установленных Центральным банком, - отдельных предприятий и организаций;

разрабатывает и осуществляет меры по обеспечению сохранности денег и других государственных ценностей и соблюдению эмиссионного режима в РКЦ и других подразделениях Главного управления;

организует работу по обеспечению охраной, пропускным режимом и оборудованием РКЦ средствами охранно-пожарной сигнализации (ОПС) и осуществляет контроль по оборудованию ОПС в банках;

осуществляет учет эмиссионных операций и контроль за правильностью их совершению;

дает заключение на проектирование кассовых узлов банков и их оснащенности средствами ОПС;

выдает (или отзывает) лицензии на кассовое обслуживание коммерческих банков;

осуществляет координацию и контроль за деятельностью территориальной службы инкассации.

11. В области экономического анализа и статистики

Главное управление:

организует сбор, систематизацию, обработку и хранение статистической информации, поступающих от банков региона необходимой для оценки их финансового состояния, а также для изучения структуры, состояния и тенденций банковской системы региона;

проводит анализ тенденции развития экономики региона, кредитно-расчетных взаимоотношений банков с хозяйствующими субъектами;

изучает и анализирует вопросы, связанные с финансовым оздоровлением хозяйствующих субъектов, проводит анализ состояния платежной дисциплины;

координирует работу коммерческих банков по оказанию поддержки и дальнейшему развитию малого и среднего бизнеса;

предоставляет Центральному банку Республики Узбекистан необходимую информацию о направлениях деятельности банковской системы региона;

координирует работу банков региона по изучению экономических вопросов в области финансово-расчетной дисциплины и осуществляет подготовку материалов на рассмотрение Совета Главного управления;

осуществляет подготовку и представление в Центральный банк годового отчета о работе Главного управления.

12. В сфере валютного регулирования и внешнеэкономической деятельности

Главное управление:

осуществляет контроль за проведением валютных операций, проводит консультации по вопросам, связанным с этими операциями;

координирует и направляет деятельность уполномоченных банков по осуществлению валютного контроля при совершении экспортно-импортных операций;

участвует в подготовке ходатайств банков о получении ими лицензий на осуществление валютных операций, дает по ним заключения и представляет их в Центральный банк;

координирует деятельность уполномоченных банков или их филиалов в реализации практических мер по эффективному использованию валютных средств участниками внешнеэкономических связей, увеличению притока валютных ресурсов;

рассматривает отчеты о деятельности банков во внешнеэкономической сфере, вносит в Центральный банк материалы на отзыв выданных банком лицензий на проведение операций в иностранной валюте;

выдаёт и аннулирует свидетельства о регистрации обменных пунктов уполномоченных банков в порядке, установленном Центральным банком.

13. По надзору и регулированию деятельности банков

Главное управление:

проводит анализ и оценку финансового состояния, уровня ликвидности и платежеспособности банков;

контролирует отчисление банками средств в фонды обязательных резервов;

контролирует соблюдение банками и их филиалами требований Центрального банка по классификации активов, по кредитной политике и процедуре;

дает оценку управлению ликвидностью, активами-пассивами, внутренних правил и процедур контроля, включая деятельность Совета банка, вносит предложения о замене руководителей банка, в том числе членов Совета и его Председателя;

участвует в работе проводимых Центральным банком комплексных проверок банков, находящихся на территории региона;

координирует работу коммерческих банков и их филиалов по реализации мероприятий, направленных на либерализацию и реформирование их деятельности;

участвует в работе по проведению финансовых оздоровительных мероприятий проблемных банков;

участвует в работе ликвидационных комиссий банков, контролирует проведение ликвидационного процесса;

выполняет отдельные поручения Центрального банка по вопросам надзора и регулирования банковской деятельности;

вносит предложения по совершенствованию нормативно-правовой базы, регулирующей банковскую деятельность и осуществление надзорных функций.

Для осуществления надзорных функций за деятельностью коммерческих банков и их филиалов, ведения бухгалтерского учета и банковской, статистической и иной отчетности, составления годовых отчетов Главное управление имеет право:

получать информацию о деятельности банков и их филиалов и требовать разъяснения по полученной информации;

осуществлять проверки деятельности коммерческих банков и их филиалов на месте;

направлять коммерческим банкам и их филиалам обязательные для исполнения предписания об устранении выявленных в их деятельности нарушений;

рассматривать соответствующие документы банков по выпуску ценных бумаг и давать заключения о целесообразности их дальнейшего рассмотрения, согласования и регистрации в Центральный банк;

другие полномочия в соответствии с законодательством.

В случае невыполнения коммерческими банками и их филиалами требований банковского законодательства и экономических нормативов, установленных Центральным банком, Главное управление сообщает об этом в Центральный банк и вносит предложение о применении в отношении нарушителей санкций, предусмотренных статьей 53 Закона Республики Узбекистан «О Центральном банке Республики Узбекистан». За непредставление или несвоевременное представление информации о нарушениях требований банковского законодательства и экономических нормативов коммерческими банками начальник Главного управления несет персональную ответственность.

14. В сфере организации бухгалтерского учета и отчетности

Главное управление:

организует ведение бухгалтерского учета, отчетности и операций по кассовому исполнению Государственного бюджета в банках и подведомственных учреждениях, обеспечивает представление отчетности по форме и в сроки, определяемые Центральным банком;

устанавливает контроль за бесперебойным и целостным прохождением платежей через систему электронных платежей.

15. В сфере безопасности и защиты информации

Главное управление:

обеспечивает выполнение требований правил о защите и сохранности информации, в том числе в системе электронных платежей и электронной почты, в банках и ТЦИ;

осуществляет профилактические проверки по вопросам защиты информации, передаваемой через электронную почту, организации режимной и внутри объектовой охраны, профилактической проверки сохранности банковской документации, печатей, штампов и т.п.;

организует и контролирует состояние пропускного и внутри банковского режима.

16. В финансовой и внутрихозяйственной деятельности

Главное управление:

распоряжается ассигнованиями на содержание аппарата Главного управления в пределах сметы расходов, утвержденных Центральным банком;

осуществляет премирование работников и применяет другие формы материального стимулирования труда работников в соответствии с законодательством;

организует и обеспечивает соблюдение правил охраны труда и техники безопасности работниками;

разрабатывает и вносит на утверждение Центрального банка планы собственного капитального строительства и капитального ремонта объектов и определяет ежегодные объемы капитальных вложений и капитального ремонта по главному управлению;

выполняет функции заказчика при строительстве объектов банка за счет средств Центрального банка;

осуществляет материально-техническое снабжение РКЦ;

выносит на рассмотрение маркетинговой службы республиканского аппарата Центрального банка вопросы по заключению договоров на приобретение оборудования, материалов, МБП, оказание услуг, выполнение работ и другие.

17. В правовой области

Главное управление:

обеспечивает соблюдение законности, правильное и единообразное применение законодательства Республики Узбекистан и нормативных актов Центрального банка Республики Узбекистан в своей деятельности;

изучает и обобщает практику применения действующего законодательства и нормативных актов Центрального банка, вносит в Центральный банк предложения по их совершенствованию;

изучает полноту обеспеченности коммерческих банков нормативными документами Центрального банка;

участвует в подготовке проектов нормативных актов;

осуществляет консультации коммерческих банков и их филиалов по вопросам применения банковского законодательства и нормативных актов Центрального банка;

повышает правовую грамотность, путем организации правового обучения своих работников;

осуществляет договорно-правовую и претензионно-исковую работу;

по заданию Центрального банка проверяет состояние правовой работы в коммерческих банках и их филиалах;

выполняет другие функции в соответствии с положением о юридической службе Центрального банка.

18. По организации кадровой работы

Главное управление:

принимает на работу, перемещает и увольняет работников, входящих в свою номенклатуру, решает вопросы поощрения и привлечения к дисциплинарной и материальной ответственности в соответствии с действующим законодательством;

прогнозирует и планирует потребность в кадрах руководителей и специалистов, занимается их подготовкой, переподготовкой и обучением;

проводит систематический анализ профессионального образования, возрастного состава и иных социально-демографических характеристик;

участвует в аттестации кадров, подготовке и осуществлении мероприятий по результатам этой работы;

изучает и дает оценку качеств руководителей и специалистов;

обобщает опыт работы с кадрами как в главном управлении, так и в коммерческих банках;

организует учет, продвижение кадров и разрабатывает предложения по снижению их текучести;

рассматривает и дает предложения по кандидатурам, рекомендуемым на руководящие должности, в том числе в коммерческих банках.

19. В сфере платежной системы и информатизации

Главное управление:

рассматривает предложения банков по организации расчетов и развитию платежной системы и дает по ним заключения;

вносит предложения по совершенствованию программно-технического комплекса для системы Центрального банка.

III. Совет Главного управления

20. Совет

Для рассмотрения наиболее важных вопросов, связанных с выполнением цели и задач Главного управления, надзора за деятельностью коммерческих банков области (вилоята), выполнением постановлений Правления, приказов, распоряжений и нормативных актов Центрального банка, кадровых вопросов в Главном управлении действует Совет, являющимся совещательным органом.

Совет состоит из 7 (семи) членов.

Председателем Совета является начальник Главного управления.

В состав Совета входят заместители начальника и руководители основных подразделений, включая руководителя юридической службы Главного управления.

Положение о Совете Главного управления утверждается Правлением Центрального банка.

21. Служба внутреннего аудита.

В Главном управлении образуется служба внутреннего аудита, которое состоит в его штате. При осуществлении своей деятельности работники службы внутреннего аудита являются независимыми от руководства Главного управления и находятся в прямом подчинении директора Департамента внутреннего аудита Центрального банка.

Целью службы внутреннего аудита является проверка достоверности и целостности финансовой отчетности Главного управления и других организаций, входящих в систему Центрального банка в соответствующей области. В своей деятельности она руководствуется законами, нормативными актами Центрального банка, а также иными актами законодательства.

Права и обязанности глав аудитора определяются должностными инструкциями, утверждаемыми Центральным банком.

Работа аудитора должна быть спланирована, он должен иметь свою программу, составляющую детальный рабочий план и описание необходимых процедур для каждой рассматриваемой сферы по согласованию с Департаментом внутреннего аудита.

22. Методическая помощь

В пределах своих полномочий Главное управление оказывает методическую помощь коммерческим банкам и их филиалам.